



ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ХИЗМАТЛАР НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази»да «BankExpo – 2013» олтинчи миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазма Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамда Республика Марказий банки ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда банк-молия тизими ютуқлари ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини кенг оммага етказиш, янги технология ва хизматлар билан яқиндан таништириш масаласига катта эътибор қаратилди.

Жаҳоннинг кўплаб давлатларида ҳамон давом этаётган иқтисодий инқирозга қарамай халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз банклари кўрсаткичини юқори баҳоламоқда. Уч йилдирки мамлакатимиз банк тизимининг ривожланиш истиқболлари «барқарор» деб эътироф этилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳбарлигида банк-молия соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарасидир.

Мазкур тадбирда мамлакатимиз ва МДХ давлатларининг етакчи банк, молия ва инвестиция компаниялари иштирок этди. Улар соҳадаги энг замонавий технологиялар ва хизматларни тақдим қилишди.

«BankExpo-2013»да банклар, молия ташкилотлари, суғурта компаниялари, электрон банкинг, мобил тизимлар, пул ўтказмалари тизимлари, видеокўзатув ва хавфсизлиқни таъминлаш мосламалари намойиш этилди.

Биз бугунги кунда қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини молиялаштириш билан бир қаторда аҳолига барча турдаги хизматларни

кўрсатиб келмоқдамиз, – дейди «Қишлоқ қурилиш банк»нинг бошқарма бошлиғи Камол Турдиев. – Соҳада кўлга киритилаётган ютуқлардан боғабар бўлиш ҳамда миқозларимиз кўламини кенгайтириш мақсадида мазкур кўргазмада иштирок этилдим. Бундан ташқари миқозларга биз тақлиф қилаётган хизмат турлари ва уларнинг афзалликлари ҳақида маълумот бермоқдамиз.

Шунингдек, кўргазмада омма эътиборига Ўзбекистон банк-молия соҳасининг янги замонавий технология ва маҳсулотлари, хусусан, интернет банкинг, мобайл-банкнинг, «СМС банкинг» каби банк-молия муассасалари ва миқозлар ўртасидаги муносабатларни юқори поғонага олиб чиқувчи ахборот дастурлари ҳавола этилди.

Тадбир доирасида тижорат банклари томонидан чекка ва аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, эндигина иш бошлаётган ёш тадбиркорларнинг иш билан бандлиқни таъминлашга қаратилган лойиҳалар бўйича ўтказилган танлов ғолибларига имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топшириш маросимлари ҳам ўтказилди.

Айтиш мумкинки, кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлар банк тизими ютуқлари ва ривожланиш истиқболлари билан атрофдаги танишдилар.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

Тошкент шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича тўртинчи жаҳон чемпионати давом этмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбирлари дунё биринчилиги иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР ҲАВАСИМИЗНИ ТОРТДИ

Росалио АЛЬВАРАДО, Мексика миллий оғир атлетика федерацияси президенти:

– Ўзбекистонда ўтказилаётган ушбу спорт мусобақасида иштирок этаётган жамоамиз аъзолари чемпионатда ғолиб бўлиш мақсадида пухта тайёр-гарлик кўрган. Ҳар бир қатнаш-чимизнинг чиқишини ҳаяжон билан кузатмоқдамиз. Мазкур мусобақа Ўзбекистонда ўтказилаётгани бежиз эмас. Мамлакатимизда спорт анжуманига пухта тайёргарлик кўрилган. Ўзбекистонда чемпионат ишти-рокчиларига кўрсатилаётган меҳмондўстлик ва юксак савия-даги ташкилий ишлар бошқа мамлакатларда кам учрайди.

Лин Хсинг ХУА, оғир атлетикачи (Хитой Тайпейи):

– Болалигимда оғир атлетика билан шуғулланаётган спортчиларга ҳавас қилардим. Бу спорт тури кўл ва оёқ мушакла-рини чиниктириш, мунтазам жисмоний машқларни бажа-ришни талаб этади. Тажриба-ли мураббийлар сабоғи ва ти-нимсиз машғулотлар эришаёт-ган ютуқларимда муҳим омил бўлмоқда. Бир қатор халқаро мусобақаларда совринли ўрин-ларни кўлга киритдим. Тошкент шаҳрида ўтказилаётган ушбу чемпионатда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган оғир атлетикачилар куч синашаёт-ди. Рақобат ғоят кучли. Мақсадим мазкур беллашувларда ғалаба қозониб, олимпия ўйинларига йўлланма олишдир.

Ўзбекистонда ёшлар камоло-ти йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ҳавасимизни тортди.

Ренгга Баю ПРАТАМА, оғир атлетикачи (Индонезия):

– Халқаро мусобақаларда қатнашиш мақсадида кўплаб мамлакатларга борганман.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳали ҳеч бир мамлакат мени Ўзбекистондек ўзига мафтун этмаган. Айниқ-са, ўзбек ёшларининг юксак муомала маданияти, Ватанига муҳаббати, фахр-ифтихори, за-монавий фикрлаши ва бой дунёкараши ҳавасимизни кел-тирди.

Ҳар бир спортчи учун энг асосий мақсад халқаро мусоба-қаларда ғолиб чиқиш ва Вата-нига ёруғ юз билан қайтишдир. Тошкентдаги чемпионатда қат-нашаётган барча оғир атлети-качилар ўз Ватани шарафини муносиб ҳимоя қилишга интил-моқда.

Муҳаммад Камол АЛ-САИД, оғир атлетикачи (Миср):

– Амаким оғир атлетикачи бўлган. Бу менда болалиқдан мазкур спорт турига нисба-тан меҳр уйғотган. Ўзбекис-тонда ўтказилаётган жаҳон чемпионати халқаро мусоба-қалардаги илк иштирокчи-дир. Ушбу турнирда муваф-фақиятли қатнашиб, 2014 йилда Хитойда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган олимпия ўйинларига йўллан-ма олишни ният қилганман. Чемпионат баҳонасида Ўзбе-кистондек гўзал мамлакатни кўриш бахтига мушарраф бўлаётганимдан жуда хур-сандман. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, одам-ларнинг ўзаро меҳр-оқибати, миллатлараро тотувлик, ободлик ва фаровонлик менга жуда ёқди, ҳавасим келди. Ўзбек спортчилари орасида таланти ёшлар кўплигининг боиси ҳам мамлакатимизда-ги ана шу тинчлик ва аҳил-лик туфайли, десам хато бўлмайди.

Ирода УМАРОВА,
Мадина УМАРОВА
ёзиб олди.

Ўтган 2012 йил давомида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муайян иш-лар амалга оширилди.

Жумладан, 2012 йилда шаҳарнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми аввалги йилга нисбатан 10,2 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари иш-лаб чиқариш бўйича ўсиш суръати 114,9 фо-изга тенг бўлди. Хусусан, ишчи ўринларини ташкил этишга мўлжалланган 96 та саноат лойиҳалари ишга туширилди. Хизмат кўрсат-иш соҳаси учун яратилган қулай муҳит ва солиқ имтиёзлари ҳисобига ҳисобот даврида 405 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектла-ри ташкил этилган бўлиб, ўсиш суръати 114,8 фоизга етди, соҳанинг умумий ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 59,7 фоизни ташкил этиб, 41,1 мингта янги иш ўринлари яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишига катта эътибор қаратилди. Улар томонидан енгил саноат, қурилиш мате-риаллари, электротехника товарлари ишлаб чи-қариш, хизмат кўрсатиш соҳасида ривожла-нишга эришилганлиги ҳисобига уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 53,6 фоизни таш-кил этди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳрида «Ўзбекистон ма-данияти ва санъати форуми» жамғарма-си, «Келажак овози» ёшлар ташаббус-лари маркази, Республика «Аёллар кен-гаши» жамоат бирлашмаси ҳамкорли-гида «Биз – бир жамоа, биз – бир оила-миз» акцияси ўтказилди. Ушбу акция ёш авлоднинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини мустаҳкам-лаш ҳамда жамиятимизда рўй бераёт-ган ўзгариш ва янгиланишларга дахл-дорлик ҳиссини кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

• Урганч суратлар галереясида Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий кўргазмалар дирекцияси ҳамда Хо-разм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлиги-да Обод турмуш йили муносабати би-лан «Илҳом дунёси» деб номланган кўчма кўргазма ташкил этилди.

• Бир гуруҳ навоийлик журналистлар Фарғона вилоятида бўлиб, оммавий ах-борот воситалари фаолияти билан яқиндан танишди. Учрашувларда соҳа-га қаратилаётган доимий эътибор, жур-налистлар касб малака ва маҳоратини ошириш, меҳнатини моддий ва маъна-вий рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар соҳа вакиллари-нинг юқори натижаларга эришишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

• Нукус саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида меҳнат ярмар-каси ўтказилди. Нукус шаҳар ҳоким-лиги, прокуратураси, Бандликка кўмак-лашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофа-за қилиш маркази, хотин-қизлар кўми-таси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳара-кати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ярмаркада саксондан зиёд кор-хона ва ташкилотлар, фермер хўжалик-лари 360 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Европа Иттифоқининг экспертла-ри Испания ва Словенияни Иттифоққа аъзо мамлакатлар ўртасида энг мурак-каб иқтисодий муаммоларга эга дав-латлар сифатида эътироф этишиб, уларни муаммоларни ҳал қилиш учун зудлик билан тегишли чора-тадбирлар-ни амалга оширишга даъват қилишди.

• Жаҳондаги энг кўп мухлислар ташриф буюрадиган музейлардан бири сифатида маълуму машҳур Парижда-ги Лувр музейи чўнтаккесар ўриларга қарши норозилик намойиши туфайли кеча бир кунга ёпилди. Гап шундаки, Лувр музейи ходимлари ўғрилар сони борган сари ошиши муносабати билан норозилик намойишига чиқриди.

• Хитой ҳукумати кеча йирик чегара пункти ҳисобланмиш Дандун орқали ўтадиган сайёҳлар учун Шимолий Ко-реяга киришни тақиқлади. Лекин КХДРга хизмат сафарлари ҳамон амал-далигича қолмоқда. Бу каби қатъий чо-раларга чегарачилар Пхеньянинг чет эл фуқаролари мамлакатни тарк этиш-лари кераклиги тўғрисидаги огоҳланти-риши сабаб бўлганини таъкидлашяпти.

• Эроннинг Бушер вилоятида кучли ер силкиниши рўй берди. Маълумот-ларга кўра, магнитудаси 6,3 ва 5,4 бал-ла тенг бўлган иккита зилзила оқба-тида камдан 30 киши ҳалок бўлган, мингта яқин одам турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Зилзиланинг таъсири Қатар, Баҳрайн, Саудия Ара-бистони ва Бирлашган Араб Амирлик-ларида ҳам сезилди. Зилзила юз бер-ган ҳудудда қутқарувчилар ва Қизил Ярим Ой жамияти вакиллари иш олиб бормоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш

заводи» ОАЖда «Обод турмуш йили»га бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон тасвирий

санъат галереясида истеъдод-ли rassom Бобур Исмоиловнинг «MOTS» номли шахсий кўргаз-маси очилди.

✓ **ЭРТАГА** Бектемир тумани-да жойлашган 294-умумтаълим мактабида «Қадрият, доф-одаат ва ёшлар» лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган йилда шахарда катта бунёдкорлик, қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Мустақиллик байрами арафасида Чилонзор туманида «Бунёдкор» стадиони, ёпиқ сузиш ҳавзасига эга бўлган футбол мактабини барпо этиш бўйича қурилиш ишлари ниятсизга етказилди.

Шунингдек, Навоий кўчасидаги ижтимоий-маданий ва маиший объектларни ўз ичига олган 320 хонадонга мўлжалланган 8 та янги уй-жойлар қурилиш ишлари белгиланган режа асосида 2012 йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилди.

Коммунал соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш борасида устувор вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда ташкил этилган 2327 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан шахардаги мавжуд 9 мингдан ортиқ кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатилмоқда.

Коммунал хизматлар бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш учун 245 та бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар ташкил этилиб, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг 1670 таси билан шартнома тузилди.

Тошкент шахрининг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш Дастури белгилаб олинди.

Бу дастурни шакллантиришда асосий эътибор шахарда самарасиз, кам қувватда ишлаётган, фаолият кўрсатмаётган, бўш турган объектларнинг фаолиятини тиклаб, ишга тушириш, қўшимча равишда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилди. Амалга оширилаётган ишлар натижасида қўшимча юз мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

2013 йилда шахар ҳўжалиги ва аҳолисига кўрсатиладиган коммунал хизматлар бўйича узлишларга йўл қўймаслик мақсадида 450 та кўп қаватли уйларнинг муҳандислик коммунал-кацияларини тўлиқ капитал таъмирлаш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган сессия қарорида 2013 йил учун белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб ҳамда шахар иқтисодиётида фойдаланилмаётган заҳираларни тўлиқ сарфбар қилиш ва шу орқали қўшимча иш ўринлари ташкил этишга йўналтирилган «2013-2015 йилларда Тошкент шахрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури» мақсади кўрсаткичларини тўлиқ таъминлаш чораларини қилиш, бунда макроиқтисодий барқарорлиқни сақлаб қолиш, таркибий ўзгаришларни мантиқий ва изчил давом эттириш, ҳар бир тармоқда сифат даражасини ошириш ҳамда етакчи тармоқларда иқтисодиётнинг самарали ривожланишига замин бўлувчи ўсиш суръатларини таъминлаш масаласи устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технология жихатдан янгилаш жараёнини жаллаллаштириш, саноат кооперацияси асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ҳисобига шахар иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини ошириш ишларини қатъий назоратга олиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Хусусий сектор кўламини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини бунданда кўпайтириш, улар олдига юзга келаётган муаммоларни ҳал этиш борасида барча имкониятларни жалб қилган ҳолда ҳар томонлама кўмаклашиш чораларини қўриш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлаш, бунда ижтимоий соҳа объектларининг янгилан қурилиши, капитал реконструкция қилиниши ва таъмирланиши бўйича амалга оширилаётган ишлар, кўча ва хиёбонларни, аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш бўйича чоралар ижросининг қатъий назоратга олиниши белгилаб қўйилди.

2016 йилгача бўлган даврда Тошкент шахрида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастури мақсади кўрсаткичлари ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб борилиши, бунда бозорни янги замонавий хизмат кўрсатиш турлари билан тўлдириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш тадбирларининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги, коммунал соҳада амалга оширилаётган ислохотлар кўламини кенгайтириш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида модернизация жараёнларини жадаллаштириш, кўп қаватли уй-жой фондларини бошқариш ишларини такомиллаштириш, қарздорликни камайтириш, энергия ресурсларини тежаш борасида қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва дастурларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш масалалари юзасидан эътибор берилиши керак бўлган жиҳатлар янада кенгайтирилди.

Шу билан бир қаторда туман ҳокимлари зиммасига касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, битирувчиларни ишга қабул қилиш бўйича уч томонлама шартномалар тузиш амалиётини кенгайтириш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш учун салоҳиятли иш бериувчилар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш юзасидан самарали иш олиб бориш белгилаб қўйилди.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шахридаги ижроси ва ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Тошкент шахар ҳокимининг ўринбосари Ш.Турдиқуловнинг ахбороти тингланди.

Ҳозирги кунда Тошкент шахрида 150 та диний ташкилот давлат рўйхатида олинган ва улар фаолият олиб бормоқда. Шундан, 116 таси ислом дини ва қолган 34 таси бошқа диний конфессияларга қарашли ташкилотлардир. Фаолият юритаётган барча диний конфессияларнинг диний байрамлари ҳамда маросимларини ўтказиш учун зарур шароит яратилган.

Ушбу ташкилотлар биноларини тартибга келтириш ва қонун талаблари асосида ишни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Тошкент шахрида ижтимоий-маънавий ва диний муҳитнинг барқарорлигини сақлаш муҳим масала ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳар йили ақидарастлик ва миссионерликка қарши кураш, конфессиялар ва миллатлараро бағрикенгликни таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар дастури қабул қилинади.

2012 йил давомида Тошкент шахрида корхона, ташкилот, бозор, маҳалла, таълим муассасалари ва оилалар билан ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва диний экстремизм ғояларига қарши қаратилган жами 15819 та маърифий тадбирлар ўтказилган.

Ёшларнинг маънавий дунёқарашини яхшилаш, турли таҳдидларнинг олдини олиш, профилатик ва тарғибот тадбирларини самарали уюштириш, ижтимоий ҳавфи ва диний муҳитдаги оила фанзандлари билан манзилли ишлаш ва уларнинг онгини зарарли ғоялар таъсиридан асраш мақсадида таълим муассасаларида семинар машғулотлари ва маданий тадбирлар уюштирилди.

Ушбу масала бўйича қабул қилинган сессия қарорида шахардаги мавжуд корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бозорларда ҳар ойда «Маънавият ҳафталиги»ни ўтказиш ҳамда ҳафталик доирасида ташкилотлардаги меҳнат жамоаси ва бозорлардаги тадбиркорлар орасида мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг натижаси, қабул қилинган қонун

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва бугунги куннинг долзарб масалаларига оид мавзуларда маънавий-маърифий тарғибот ишларининг самарадорлигини янада ошириш масаласи белгилаб қўйилди.

Сессия кун тартибидagi «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчилик риоя қилиниши аҳоли ҳамда бу борадаги прокурор назоратини янада кучайтириш чоралари» бўйича Тошкент шахар прокурори М.Обидовнинг ахбороти тингланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонуни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган муҳим қонуний ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Маърузачи ушбу қонун талабларига тўхталиб, баъзи фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқишда қонунбузарликка, жумладан сансалорлик, юзаки қараш, масаланинг моҳиятига чуқур кириб бормаслик каби салбий ҳолатларга йўл қўйлаётганга алоҳида тўхталиб, бу борада масъулиятни кескин ошириш лозимлигини билдирди ва қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилганлигини таъкидлаб ўтди.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланиши мутасадди ташкилот раҳбарларининг бурчи эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, сессияда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан амалий ҳамкорликни таъминлаш чораларини янада мустаҳкамлаш белгиланди.

Қонун тартибидagi навбатдаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шахридаги минтақавий вакили Н.Насимовнинг ахбороти тингланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг Тошкент шахар Минтақавий вакилиги томонидан фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида йўл қўйлаётган ноқонунийлик ва адолатсизликларнинг олдини олиш мақсадида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, мазкур ишларни жойларда ташкил этиш, иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида шахар ҳокимлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шахар ҳудудий бўлини, шахар Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шахар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Тошкент шахар бўлими ва пойтахтимиздаги бошқа турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган.

Шунингдек, шахар прокуратураси, Адлия бошқармаси ва Ички ишлар бош бошқармаси

билан ҳамкорлик ўрнатилган. Минтақавий вакиллик иш фаолияти давомида фуқароларнинг муносабатларини атрофчила кўриб чиқишда эксперт гуруҳи ҳамда ҳамкор бўлган мазкур ташкилотларнинг ишчи гуруҳлари аъзоларини, мутахассисларини тобора кўпроқ жалб этиши натижасида, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш, шикоятларини тўлақонли ўрганиб, қонуний ечимини топишда ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Сессияда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан Юнусобод тумани ҳокими Ш.Азизжонов, Сергели тумани ҳокими О.Содиқов ва Шайхонтоҳур тумани ҳокими М.Мирқосимовларнинг ҳисоботлари юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Жумладан, туман ҳокимликларига иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасида ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепциясининг бажарилишини фаоллар йиғилишида муҳокама қилиш, ислохотлар жараёнига тўқинлик қилаётган сабабларни чуқур таҳлил қилиб, устувор вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, иқтисодиётга чет эл сармояларини жалб қилиш, янги иш ўринларини ташкил этиш масалалари юзасидан қабул қилинган Фармон ва Қарорлар моҳиятини туманда фаолият кўрсатаётган барча корхоналарга етказиш кўрсатиб ўтилди.

Бунда асосий эътибор қабул қилинган Дастурларнинг изчил, тўлақонли бажарилишини таъминлаш, ҳар бир корхона билан беvosита ишлаб, уларнинг муаммоларини атрофчила ўрганиш ҳамда муаммолар ечимини ижобий ҳал этиш, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш орқали рақобатбардошлигини кучайтириш, импорт ўринини босадиган экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўли билан экспорт Дастурларини бажаришга қаратилди.

Шу билан бир қаторда, иқтисодий ночор, кам қувватда ишлаётган ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни ўрганиш, ушбу объектлар қувватларидан самарали фойдаланиш бўйича тактифлар ишлаб чиқиш, уларга салоҳиятли инвесторларни жалб этиш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технология янгилаш жараёнларини изчил давом эттириш, бу борада чет эл сармояларини иқтисодиётга кенг жалб қилиш, корхоналарда янги иш ўринларини ташкил этиш орқали, аҳолининг ишсиз қатлами иш билан таъминлаш, қасаначиликни кенг ривожлантиришга эътибор қаратиш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг туман иқтисодиётидаги улушини ошириш, ушбу соҳа вакилларига кредит масалаларини ҳал этиш, қабул қилинган қарорларда уларга берилаётган имтиёзларни кенг тушунтириш, мулоқот, семинарлар ўтказиш бўйича таъсирчан чораларни қўриш, тегишли тузилмалар билан биргаликда коммунал хизматлар, айниқса, аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатишнинг замонавий механизмларини ва самарали тузилмаларни яратиш, кўп қаватли уй-жой фондларини бошқариш ишларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларни қайтадан кўриб чиқиш топширилди.

Бундан ташқари халқ депутатлари Тошкент шахар Кенгашининг сессиясида «Тошкент шахридаги умумий овқатланиш тармоғи объектлари ва новвойхоналарда архитектура, ёнғин хавфсизлиги ва санитария қоидаларига риоя қилинишини тартибга солиш тўғрисида» Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Туробжонов, «Тошкент шахар ҳокимининг 2013 йил 8 апрелдаги «Тошкент шахрида автомобилотранспорт саклаш қўрилмаларини ободонлаштириш ва шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ тартибга келтириш тўғрисида» Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Бобоқулов, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раисининг ўринбосари Ж.Иноғомов, «Тошкент шахри ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлар йўлакларини таъмирлаш ва намунали даражада саклаш тўғрисида» Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси раисининг ўринбосари Д.Аюпов, халқ депутатлари Тошкент шахар Кенгаши депутатлари У.Шайимқулов, Т.Назаров, Р.Фозилов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, сессияда «халқ депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашиларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, **Мирзо Улугбек туманидаги 9-Салор ва 15-Феруза, Сергели туманидаги 27-Дўстлик округларида бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шахар Кенгаши сайловини 2013 йил 12 май, якшанба кuni ўтказиш белгиланди.**

Сессияда депутатлик ваколатларига доир бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Қарор ва ижро

БОЛАЛАРГА МЕХР ВА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛМОҚДА

А.Хлебущкина номидаги**22-Меҳрибонлик уйи ҳудудида****мазкур муассасанинг****пойтахтимиздаги академик лицей****ва касб-хунар коллежларида****ўқийётган, шахсий турар жойи****бўлмаган битирувчилари учун****янги бино барпо этилди.**

Ёш авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш келажақда ривожланиш салоҳиятига эга жамиятнинг муҳим жиҳатларидандир. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, болалар саломатлиги, уларнинг барқарор ривожланиши, сифатли билим олиши ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятнинг энг ҳимояга муҳтож қатлами – ота-она меҳридан маҳрум бўлган етим болаларга катта эътибор қаратилмоқда.

Етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болаларни, психофизик ривожланиши бузилган болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда улар учун тиббий-ижтимоий қаролатларни таъминлаш, уларни тарбиялаш, жамиятга интеграциялаш, таълим бериш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июнда «Болалар уйлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат тарбияланувчи болаларни психологик ва интеллектуал ривожлантиришнинг замонавий технологиялари ҳисобга олинган ҳолда, педагоглар ҳамда тарбиячиларнинг касб малакасини ошириш, болалар уйлариининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уларда болаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

– Меҳрибонлик уйимизда айни пайтда 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган 110 нафар бола тарбияланмоқда, – дейди 22-Меҳрибонлик уйи директори Ш.Бердиева. – Биз болаларга пухта билим бериш, уларнинг бўш вақтларини қизиқarli ўтказишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун муассасамизда кенг ва ёруғ биноларда жойлашган 15 тўғрак фаолият кўрсатмоқда. Болаларнинг музикий қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ўғил-қизлар ўз иқтидорини намоён этиши учун уларга меҳр бериш ва ғамхўрлик кўрсатиш лозим. Болалар бу ерда оилавий муҳитда тарбияланмоқда ва бу келажақда уларнинг ижтимоий мослашувига ёрдам беради. Оила тарзида ташкил қилинган тўртта гуруҳда болалар билан тўққиз нафар тарбиячи ишламоқда.

Ўтган йили Меҳрибонлик уйи тубдан реконструкция қилинди. Барча бинолар янгича қиёфа касб этди. Ётоқхоналар 3-5 нафар болага мўлжалланган бир қанча хоналарга ажратилди, дам олиш хоналаридаги мўъжазгина ошхонада болалар кечкурун телевизор томоша қилганда ичиш учун чой тайёрлаш мумкин. Яна бешта янги бино қурилиб, замонавий техника ва янги мебель билан таъминланди.

Бу ерда меҳнат тарбиясига кўп вақт ажратилади. Бу жараёнда болалар уй ҳўжалигини юритиш кўникмаларини эгалламоқда. Спорт ўсмирлар ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун Меҳрибонлик уйида бунга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу ерда замонавий спорт комплекси, янги футбол майдони мавжуд. Болалар спорт секцияларида баскетбол, футбол, таэквондо каби спорт турлари билан шуғулланмоқда.

– Меҳрибонлик уйида икки йилдан буён яшайман ва бу ер мен учун қадрли гўшага айланиб қолди, – дейди ҳарбий-спорт йўналишидаги бешинчи гуруҳ тарбияланувчиси А.Примов. – Бизнинг яшашимиз ва билим олишимиз учун яхши шароитлар яратиб берилган. Ўқиш ва жисмоний тайёргарликка кўп вақт ажратаман, Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейига кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўрмоқдаман. Келажақда ҳарбий бўлишни истайман.

Меҳрибонлик уйида жисмоний ҳамда интеллектуал ривожланиш учун барча имкониятлар бор. Мазкур Меҳрибонлик уйининг ташкил топиши ва ривожланиши ҳақида ҳикоя қилувчи музей ташкил этилган. Меҳрибонлик уйи тарбиячилари томонидан битирувчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили 12 нафар битирувчи ўз уйига эга бўлди. Меҳрибонлик уйи жамоаси уларга муассасани битиргандан сўнг ҳам ғамхўрлик қилмоқда.

**Р.БОНДАРЧУК,
ЎЗА муҳбири**

ХФТПИ ТЕЛЕКАНАЛЛАР

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Икким».
07.05 «Кўнгли қўшиқ истаиди».
07.20 «Наггинтоннинг қувноқ паравозчалари». М/с.
07.30 Миллий сериал: «Фидойилар».
Хурматли телеомошабинлар!
«O'zbekiston» телеканали да соат 08.00 дан 14.55 гача профилактика 14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Худоят сари».
15.05 «Икким».
15.25 «Абдуллатиф чамбаргаи». Т/с.
16.15 «Ватанларвар».
17.00 «Ахборот».
17.10 «2013 йил – «Обод турмуш йили». Андижон.
17.25 «Ифтихор».
17.30 «Эркин фикр».
17.40 «Эрталаб яхшиликка етаклар».
18.00 «Кўнгли қўшиқ истаиди».
18.15 «Келахакка пойдевор». 1-қисм.
18.35 «ТВ - шифокор».
18.40 «Комиссар Рекс». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Навоий бустонидан».
20.10 «Меҳмонхона хўжайини». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Кўнгли қўшиқ истаиди».
22.15 «Сарой жаҳоирини». Т/с.
23.20 «Икким».
23.25-23.50 «Замин гаройиботларини». Х/ф.
23.50 Кўрсатувлар дастури.
23.55 «2013 йил – «Обод турмуш йили». Андижон.
00.10 «Шарқ тароналари».
00.20 «Келахакка пойдевор». 1-қисм.
00.40 «Икким».
00.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қизилқум табиати».
